

А.А.Мадаминов – старший преподаватель, кафедры «Общественные науки и спорта» Ферганского государственного технического университета, г. Фергана, Республика Узбекистан.

А.А. Мадаминов – старший преподаватель кафедры «Общественные науки и спорта» Ферганского государственного технического университета, г. Фергана, Республика Узбекистан.

A.A. Madaminov – Senior Lecturer, Department of Social Sciences and Sports, Fergana State Technical University, Fergana, Republic of Uzbekistan.

**ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЖАМИЯТ
ТАРАҚҚИЁТИГА ФУНКЦИОНАЛ ТАЪСИРИНИНГ ИЖТИМОЙ-
ФАЛСАФИЙ ЖИҲАТЛАРИ.**

**СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИЕ АСПЕКТЫ
ФУНКЦИОНАЛЬНОГО ВЛИЯНИЯ ИННОВАЦИОННЫХ
ТЕХНОЛОГИЙ НА РАЗВИТИЕ ОБЩЕСТВА.**

**SOCIAL AND PHILOSOPHICAL ASPECTS OF THE
FUNCTIONAL INFLUENCE OF INNOVATIVE TECHNOLOGIES ON
THE DEVELOPMENT OF SOCIETY.**

Аннотация: ушбу мақолада инновацион технологияларининг Ўзбекистон сиёсий ижтимоий-иқтисодий эркинлаштиришидаги ўрни ва роли баён этилган.

Аннотация: в статье описывается роль и место инновационных технологий в политической, социально-экономической либерализации Узбекистана.

Abstract: the article describes the role and place of innovative technologies in the political, socio-economic liberalization of Uzbekistan.

Калим сўзлар: технология, инновацион технология ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, эркинлаштириши.

Ключевые слова: технологии, инновационные технологии, социально-экономическая жизнь, либерализация.

Key words: technologies, innovative technologies, socio-economic life,

liberalization.

Жаҳонда инновацион технологияларнинг жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги роли ва уларнинг демократик тамойилларни янада кенг ва чуқур амал қилишга функционал таъсири нуқтаи назаридан илмий, ижтимоий-фалсафий жиҳатдан баҳо беришнинг объектив эҳтиёжи ортиб бормоқда. Шу билан бирга рақамли технологияларнинг ривожланиши шароитида инновацион технологияларнинг жамият тараққиётига функционал таъсири, ижтимоий ва ахлоқий қадриятлар билан муносабати каби муаммоларни ижтимоий-фалсафий жиҳатдан таҳлил қилиш долзарблик касб этмоқда. Шунингдек, жаҳонда инновацион технологияларнинг жамият маънавияти ва инсон капиталининг юксалтиришга функционал таъсирини аниқлашга қаратилган бир қанча илмий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жамият ижтимоий тизимларини юксалтириб бориш жараёнида илғор инновацион технологиялар - воситаларни муҳим унсур сифатида ижтимоий-фалсафий таҳлил қилиш заруратини тақозо этмоқда.

Ўзбекистоннинг янги тараққиёт стратегиясида истиқболли инновацион технологияларни шакллантириш йўллари ва амалга ошириш механизмларини аниқлашга қаратилган бир қанча илмий лойиҳалар ва давлат дастурлари амалга оширилмоқда. Айниқса, «Рақамли идора» лойиҳаси доирасида давлат органларида иш юритувини рақамлаштириш орқали маъмурий тартиб-таомилларни оптималлаштириш ва бошқарув жараёнини автоматлаштиришга қаратилган инновацион технологик ечимларда эҳтиёж - инновацион технологияларнинг жамият тараққиётига функционал таъсирини фалсафий тадқиқ этиш вазифаларини юзага чиқармоқда. Шу сабабли, ривожланаётган Ўзбекистон шароитида инновацион технологияларни ўзбек жамиятининг ижтимоий тизимларида шахснинг ижтимоийлашуви ва янгича ижтимоий муносабатларни шакллантириш воситаси сифатида қўллаш имкониятларини ўрганиш ҳамда

уларни ижтимоий-фалсафий жиҳатдан таҳлил қилиш муҳим ва долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу, ўз навбатида, инновацион технологияларнинг жамият ривожланишидаги ўрнини чуқурроқ тушунишга ва улардан самарали фойдаланиш йўллариini белгилашга имкон яратади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, жамиятлар ўзининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида инновацион технологиялар тараққиётга эришиш учун энг устувор вазифа сифатида кўрилган. Чунки, барча ислохотлар тараққиётга қаратилган. Ижтимоий муносабатларда инновацион технологиялар тараққиёт олиб борилаётган ислохотлар, халқ манфаати учун қабул қилинган қонунларнинг тўғри ишлашига сабаб бўлади. Асрлар давомида тўпланган тажрибага кўра, инновацион технологияларни ривожлантирмасдан туриб ва қатъий қонунлар ишлайдиган ва халқ манфаатлари қадрланадиган жамиятни, иқтисодий-ижтимоий фаровонликни таъминлаш, фуқаролик жамиятини куриш имконсиздир.

Инновацион технологияларнинг ўзига хослиги шундаки, улар жамият ҳаётини ривожлантиришга, унда содир бўлаётган жараён ва ҳодисаларга шахсларнинг ижодий ҳаракатларини татбиқ этиш натижасидир. Инновацион технологиялар асосий мураккаблик, юқори фаоллик ва динамик, шунинг учун оқилона тамойилнинг (ақл, фан, мақсадни белгилаш) иррационал (ҳис-туйғулар) диалектик муносабати билан тавсифланади.

Бугунги глобаллашув даври иқтисодий ва маънавий жараёнлар сингари ижтимоий соҳага ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Умуминсоний қадрият ҳисобланган шахс ва унинг кадр-қиммати ижтимоий-маданий инқирозлар сабаб жамиятда ўз ўрнини сақлаб қолишга интилмоқда. Шахс қиёфасига таъсир қилаётган бундай жараёнлар инновацион бошқарувни ва ижтимоий маданий технологияларни ривожланиши билан янада фаоллашмоқда. Шунинг учун ҳам жамиятни илмий бошқаришнинг

инновацион усуллари ишлаб чиқиш жорий этиш ва уларни ижтимоий муаммоларни ҳал этиш борасидаги илмий тадқиқларни тақозо этади. Мамлакатимиз тараққиётини янада юксак босқичга кўтариш мақсадида Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинди. Бу ноёб ҳужжатда белгиланган улугвор вазифаларни рўёбга чиқаришга қатъий киришганимиз биз учун янги уфқ ва имкониятлар очиб бермоқда. Дунё миқёсида рақобат кескинлашиб бораётган ҳозирги мураккаб даврда мамлакатимизни илм-фан ютуқлари, юқори технологиялар асосида модернизация қилиш ва янгилаш энг муҳим вазифага айланди.

Ўзбекистонда истиқболли инновацион технологиялар шахс ва ижтимоий тизимлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар икки томонлама мураккаб жараёни бўлган функционал жиҳатларининг ижтимоийлашувни илгари суриш лозим. Инновацион технологиялар ижтимоийлашув ижтимоий тизимларнинг шахсга мақсадли функционал таъсирини ўз ичига олади ва жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий нормалар, ориентациялар, қадриятлар ва ҳуқ-атвор моделлари (яъни миллий маданият)ни бир авлоддан иккинчи авлодга, бир ижтимоий гуруҳ ва жамоадан бошқасига ўтказиш жараёнини ифодалайди.

Ўзбекистонда инновацион технологиялар билан боғлиқ қуйидаги тенденцияларни кузатишимиз мумкинлигини кўрсатиб ўтади: ижтимоий-маданий ва коммуникатив жараёнларда инсон омили таъсирининг ўсиши ва миллий маданият ва ижтимоий алоқалар, уларнинг самарадорлиги учун инновацион технологияларнинг мураккаблиги ва ижтимоий алоқанинг бирлашган шакли бир вақтнинг ўзида турли хил таъсир ўтказиш воситаларини жалб қилиш орқали хабарлар ва мурожаатлар, оммавий ижтимоий мулоқотнинг анонимлигига салбий муносабатларнинг кучайиши, ижтимоий алоқада урф-одатлар, маросимлар, анъаналар ва бошқалар каби универсал маданий воситалардан кенг фойдаланиш.

Литература:

1. “Конституция ва қонун устуворлиги - ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир”. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси Халқ сўзи. 2019 йил 8 декабрь. №254.
2. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 22.12.2017
3. Е.С.Андреева. Научные основы инновационных технологий. Учебное пособие. Нижнекамск.2014
4. Дзарагасова, З.А. Использование инновационных квест-технологий в преподавании основ графических работ на первом курсе педагогического колледжа / З.А. Дзарагасова // Вопросы педагогики. – 2020. – № 6-2. – С. 76-80.
5. Петрова, В.С. Инновационные технологии профессионально-ориентированной деятельности в образовательном процессе современного колледжа / В.С. Петрова // Актуальные научные исследования в современном мире. – 2020. – № 11-8(67). – С. 172-174.
6. Мельников, А.Г. Инновационные проекты и инициативы Ачинского колледжа отраслевых технологий и бизнеса / А.Г. Мельников // Аккредитация в образовании. – 2018. – № 8(108). – С. 49.
7. Мадаминов, А.А. (2019). Актуальные проблемы социализации молодежи в условиях глобализации. Экономика и социум, (4 (59)), 62-64.
8. Мадаминов, А. А. (2023). Инновационные технологии важный фактор развития Узбекистана (на примере образования). Экономика и социум, (12 (115)-1), 1210-1212.
9. Эргашев У. А. Гармонично развитое поколение-решающая сила развития Нового Узбекистана //Экономика и социум. – 2021. – №. 11-2 (90). – С. 730-732.